

Бароат сураси ҳақида 20-боб



11:00 / 22.12.2020 5628

Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар: Уламолар Бароат (Тавба) сурасининг бошида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим»нинг тушиб қолиши ҳақида ихтилоф қилишди. Баъзилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон нозил бўлса, уни котибларига ёздирар эдилар. Бароат сурасини ёздирганларида котиб «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим»ни унутди, натижада бу сура басмаласиз бўлиб қолди», дейишади.

Бошқалар эса: «Бароат сураси мусулмонлар билан кофирлар ўртасидаги аҳдни бекор қилиш учун нозил бўлган. Шу сабаб «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим», ёзилмади. Чунки басмалани ёзишда кофирларга омонлик бордир, уларга омонлик бўлмаслик учун у тарк қилинди», деган фикрдалар. Менинг наздимда энг тўғри сўз

Ибн Аббосдан розияллоҳу таоло анҳумодан ривоят қилинган ушбу ривоят: «Усмон ибн Аффондан розияллоҳу таоло анҳумодан шу ҳақда сўрадим. У: «Анфол сураси Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келишларидан олдин нозил бўлган, Тавба эса Қуръоннинг охирида нозил бўлди, қиссалари бир-бирига ўхшаш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга уларнинг битта ёки алоҳида-алоҳида эканлигини тушунтирмаганлар натижада иштибоҳ пайдо бўлди. Бас, биз уларнинг орасини ажратдик ва «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим»ни ёзишни тарк қилдик», дедилар».

Алидан розияллоху таоло анҳумодан сўралганда: «Бу қилич билан (яъни, аҳдни бекор қилиш учун) нозил бўлган», деганлар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан